

ҲАҚСЕВАР, ОНА ЙУРТ, МАНГУ БҮЛ АБОД!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 7 июнь, шанба

• №46 (11.537) •

Эркин нархда сотилади

Пилла-2003

## Чиноз: ВИЛОЯТДА ИККИНЧИ

Чиноз тумани пиллакорлари «кумуш тола» етиштириши шартнома режасини вилоятда биринчилар қатори бажардилар.



Бу йил туман хўжаликлидаги 1643 та хонадонда 1665 куни курт уруғи парвариш қилинди. 5 июнгача 85 тоннадан зиёд юқори сифатли ҳосил топширилиб, пиллахона билан тузилган шартнома барвақт уddyаланди. Хозирги кунгача ҳар куни уруғдан туман бўйича режадаги 51 килограмм ўрнига 54 килограммдан ошириб пилла олindi.

Шартнома режасини анча ортиги билан бажарган Навоий номли, Собир Раҳимов номли, «Дўстлик» ширкат хўжаликлари умумий хирмонга 6-6,4 тоннадан сифатли хомашё тўкиб, туман пиллакорлари ютуғига салмоқли улуш қўшди. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик 58-60 килограммга етказилди.

Ҳали юзга яқин хонадондаги ҳосилга кўл урилгани йўқ. Туманда пилла терими давом этмоқда.

Орзикул МАЪМУРОВ.

Муносабат

## ҲАР КИМ ИШИНИ БИЛИБ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиши тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Махкамасининг ана шу жамғарманини ташкил этиши тўғрисидаги карори ёълон қилинганига ярим йил бўлди. Ҳўш, олти ой давомида нималар қилинди-ю, қайси вазифаларни бажаришга улгурилмади? Жойларда қандай камчилик ва нуксонларга йўл кўйилмокда?

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизда Президентимиз Фармони ва ҳукуматимиз қарорининг ижросига изчил киришилди. Аввало, шаҳар ва туманлардаги мавжуд спорт иншоотлари қайта рўйхатдан ўтказилди ва вилоятимиздаги мавжуд 38 та

ўйингдох, 553 та спорт зали, 15 та сув спорти ҳавзаси, 14 та теннис корти, 2000 дан зиёд футбол, баскетбол, волейбол ҳамда 35 та енгил атлетика майдонларида 135 минг киши спорт машгулотларида қатнашиши мумкинлиги аникланди.



Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) оған сурат.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ҲАМОН ЭСКИ «ТАМФА»МИ?» (2003 йил, 17 май)

Юкоридаги сарлавха остида ёълон қилинган луқмада Гулестон қишлоқ врачлик пунктида «ески давр»да фойдаланилган муҳр хозиргача ўзгартирилмаганлиги, ишда ўзтиборсизлик ва масбулиятсизлик ҳакида сўз юритилганди. Газетанинг ушиб танқидий чиқишига Оқкўрғон тумани марказий шифохонаси бош шифокори И. Салимовдан жавоб хати олинди.

Унда маълум қилинишича, мазкур танқидий мақола туман тибиёт ходимларининг кенгайтирилган кенгашида муҳокама қилинган. Муҳр маъмурият томонидан ўз вактида ўзгартирилмаганлиги учун қишлоқ врачлик пунктининг мудири вазифасини бажарувчи F. Умаров вазифасидан озод қилинди. Барча даволаш-профилактика муассасаларида муҳрлар қайта кўрилиб, уларни янгилаш топшириги берилди.

## «ТАДБИР НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСИН» (2003 йил, 24 май)

Газетамизда юкоридаги сарлавҳа остида ёълон қилинган мақолада Олмалик шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» худудий саралаш босқичи ҳакида ахборот берилди, тадбирни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар, унинг савияси, катнашчилар учун муносиб жой танланмаганлиги, шарт-шароитлар талаб даражасида эмаслиги юзасидан холис фикр-мулоҳазалар юритилган эди. Ушиб мақолага таҳририят вилоят маданият ишлари бошқармасидан расмий жавоб олди.

## МЕН НЕ ДЕЙМАН, ҚЎБИЗИМ НЕ ДЕЙДИ?

Мазкур жавоб мактуби ниҳоятда катта ва чўзиб юборилганини учун қўйида унинг асосий мөҳияти ва мазмунини келтирилди:

«Вилоят маданият ишлари бошқармаси, – дейилади мазкур жавоб хатида, – «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловнинг худудий босқичларини шаҳар ва туман танловларида 1,2,3-ўринни эгаллаган барча ҳаваскор қўшиқларни тинглаш, кўрик-танловнинг вилоят босқичига танлаб олниди». Шунингдек, жавобда кўрик-танловга тайёргарлик жараёнида иштироқчиларга Ўзбекистон-

(Давоми 3-бетда).



## БАРКАМОЛЛИК САРИ ЙЎЛ

Дунё миқёсидаги кўпгина йирик спорт мусобақаларида Ўзбекистон ёшлари яхши натижаларга эришмоқда. Спорт ёш, мустақил давлатимиз довруғини дунёга тартишда ва ҳалқ орасида согласом турмуш тарзи қарор топишида улкан роль ўйнамоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби ёшлар анжуманлари мамлакат спорт ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан яратилган, ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбиялашнинг ноёб уч бўғинли тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг стратегик мухим қисмига айланди.

Шу боис ушбу спорт мусобақалари йилдан-йилга оммавийлашиб, тобора кенг миқёс касб этиб бормоқда. Бу сафар мусобақалар дастурига 14 та спорт тури киритилди. Ўкув йили давомида мусобақаларга 270 минг нафар ўкувчи жалб этилди. Финал мусобақаларида иштирок этиш учун Андижонга шаҳар, туман ва вилоят босқичларида голиб чиқсан 2786 нафар йигит-қиз тўпланди.

«Баркамол авлод-2003» финал ўйинларига тайёргарлик давомида Андижонда қисқа даврда замонавий ва яхши жиҳозланган Олимпия заҳиралари спорт коллежи бунёд этилди. Бундан ташқари мусобақа мезбонлари кўллаб спорт обьектлари, коллех ва лицейларни тўлиқ таъмирдан чиқарди ва замонавийлаштириди.

(Давоми 6-бетда).

# Атроф-муҳит мухофазаси доимий эътиборда

*Ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён кенг нишонланиб келинаётган бутун дунёда атроф-муҳитни мухофазалаш куни бу йил "Сув. Икки миллиард киши унга муҳтож" шиори остида ўтказилди.*

Мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уни тоза ичимлик сув билан етарли даражада таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш бора-сида кенг қарновли ишлар амалга оширилмоқда. Инсон умр кечиришида мухим омил ҳисобланган табиий бойликларни тежаш, экологик мувозанатни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилипти.

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли вазирлик, идора, жамоат ва ҳалқаро

ташкилотлар билан ҳамкорликда бу йўналишда кўпгина на хайрли ишларни амалга оширмоқда. БМТнинг тараққиёт дастури, Глобал экологик ҳамгарма, ЮНЕП, ТАСИС ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан алоқалар тобора ривожланиб бораёт.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамияти ўртасидаги келишувлар доирасида ҳамкорликни амалга ошириш бўйича, шунингдек, ЮНИДО ҳалқаро ташкилоти кўрсатаётган маълумот хизматининг лойиҳа тўпламларига таклифлар

тајёрланди. Мазкур ҳалқаро ташкилот тақлифига мувоғиқ барқарор ривожланишга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқариш миллий маркази ташкил этилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳалқаро ҳамжамият билан ҳамкорлиги маҳсул бўлган мазкур нашрда юртимизда атроф-муҳит мусаффолигини сақлаётган ишлар, эришилаётган ютуклар ва ечимиши кутаётган муаммолар ўз аксини топган.

ЎЗА.

*Вилоятда ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказишга қаратилган тайёргарлик ишлари тугатилди. Ўн олти оромгоҳ шай. Вилоят касаба уюшмалари кенгасидан олинган маълумотларга кўра, оромгоҳларнинг олтитаси санатория типида, колгандари спорт-соғломлаштириш ўналишида бўлиб, мавсумда уч смена ишлайди, салкам ўн тўрт минг ўқувчи хордик чикаради. Шу билан бирга Оролбўй болалари учун ўн тўртта энг яхши оромгоҳ тайёрлаб кўйилди.*

## ТАЪТИЛ УЧУН 360 МИЛЛИОН

— Оромгоҳда ўқувчилар 18 кун дам олади. Битта йўлланма нархи ўртача 58-60 минг сўмга тушмоқда, — дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаси раисининг ўринбосари Р. Турдалиев.

— Ота-оналар эса унинг йигирма фоизини тўлайди, асосий қисми касаба уюшмалари вилоят кенгаси ҳамда ижтимоий сугурта маблаглари хисобидан қопланади. Айни пайтда вилоятдаги учта меҳрибонлик уйининг барча тарбияланувчилари, шунингдек, вилоят касаба уюшмалари қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари, кам таъминлан-

ган, кўп болали ҳамда бокувчисини йўқотган оиласлар фарзандлари учун етти юздан ортиқ йўлланма бепул берилмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари 29 мактаб хузурида ҳам ёзги соғломлаштириш оромгоҳи очмоқда. Шундай килиб, мавсумда ҳаммаси бўлиб 44 ана шундай маскан ишлайди, уларда 19 минг 535 нафар ўқувчи дам олади. Вилоят касаба уюшмалари, ижтимоий сугурта ҳамгармаси ҳамда корхона ва ташкилотлар шу мақсадда 360 миллион сўм маблағ ажратди.

(ЎЗА).

## Маънавият соатлари

*Оҳангарон туманинда Корахтой қишлоғида «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан «XXI аср ёшлари: миллий маънавият, одоброхлоқ тарбияси» мавзууда давра сұхбати бўлиб ўтди.*

## ФИКРЛАРДАН ХУЛОСАЛАР

Унда тумандаги нодавлат ташкилотлар ва уюшмалар ҳамгармалари фаоллари, қишлоқ фуқаролар йигинлари оқсоқоллари, маданият, маънавият ва маърифат туман бўлимларининг ходимлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этдилар.

Мехмонлар ва иштирокчилар 12-ўрта умумтаълим мактабининг маънавият ва маърифат хоналарини кўздан кечирдилар ва бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

— Маърифатчиларимиз, маънавиятимиз фидойилари Юртбушимиз юритаётган сиёсатни кўллаб-кувватлаётганликлари, жамиятимизда нафакат иқтисодий, балки, маданий, маънавий, маърифий соҳаларда рўй берәётган янгиланишларни, аввало, ўзлари пухта тушунган ҳолда уларни ёшларимиз қалбига сингдириш, уларни аҳждодларимиз анъаналари руҳидаги тарбиялашга хисса кўшаётганликлари бизни ҳам хурсанд қиласди, — деди Оҳангарон туманин ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича мувонин Курдош Саидов. — Ёшлар маънавиятини кўргазмали воситалар, давра сұхбатлари ёрдамида бойитиш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, фалсафий мушоҳадалар юритган ҳолда бу кўнинмаларни ҳаётга татбиқ этиш масаласи ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади.

Давра сұхбатида республика «Маънавият ва маърифат» маркази баш мутахассиси Илҳом Ўтанов, «Саломатлик» институти вилоят филиали директори Мавжуда Эргашова, олий тоифали шифокор Саида Юнусова, шоира Зулфия Мўминова жамоат ташкилотларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни хусусида, уларда она-Ватанг, отоналарга ва тенгдошларга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирилар.

**Шавкат КУЛИБОЕВ,**  
*«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбари.*

## Истеъмолчи

## МАҲСУЛОТ СИФАТСИЗ — ШЕРИК ИШОНЧСИЗ

*Тошкент вилоят стандартлаштириш бошқармаси ходимлари «Энергокурилишиндустрия»нинг Бўstonлик туманинди корхонасида текшириши ўтказиб. лол колиши.*

Сабаби бу ерда ишлаб чиқарилётган қурилиш материалларининг кўпчилиги истеъмолчиларга жиддий нуқсонлар билан жўнатилаётган эди. Улардан энергетика корхоналари ва иншоотларини тикилаш ва таъминлаш жараёнида фойдаланилиши хисобга олинса, масала ниҳоятда жиддийлиги яна ҳам ойдинлашади.

Темир-бетон устунларда арматурани очиқ қолдириш, ертўла деворларини тикилашда ишлатиладиган темир-бетон блокларининг сифати талабга жавоб бермаслиги ҳоллари кўп учрайди. Устунлар совук ва намга чидамлилик жиҳатидан вақти-вақти билан синаб турилмайди. Девор

панеллари сертификатсиз ишлаб чиқарилётган, технология жараёнлари зарур мөъёрий ҳужжатлар билан таъминланмаган. Назоратнинг бўшлиги нуқсонларнинг асосий сабабидир. Корхонада маҳсулот сифати текшириладиган ўлчов ускуналарининг ҳар учинчи яроқсиз ҳолга келган.

Эндилика корхона маъмурити бу нуқсонларни бартараф этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўра бошлади. Зоро, бозор муносабатлари шароитида истеъмолчилар ва шериклар билан рисоладаги ҳамкорлик ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришишнинг асоси ҳисобланади.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## ИСТЕЪДОДЛИЛАР КЎРИГИ



2003 йилнинг 5 июнь куни иктидорли болаларнинг «Истеъодод — 2003» вилоят анжумани иштирокчиларининг бир гурӯҳи; ўқувчиларда Ўзбекистон ҳалқлари тарихи музейидаги экспонатлар катта қизиқиш ўйғотди.

**СУРАТЛАРДА:** «Истеъодод — 2003» вилоят анжумани иштирокчиларининг бир гурӯҳи; ўқувчиларда Ўзбекистон ҳалқлари тарихи музейидаги экспонатлар катта қизиқиш ўйғотди.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



**ТУРИ КЎПАЯДИ, МИҚДОРИ ОШАДИ**

*Мамлакатимиз ички бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳалқ истеъмоли моллари билан тўлдириши, бу борада ҳалқимиз талаб ва эҳтиёжларини янада тўларок қондириш устувор вазифалардан биридир.*

Ўзбекистон металургия комбинатининг ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхонаси узик танаффусдан сўнг бу соҳа

да яна фаолият кўрсата бошлади. Сирланган идишлар бўлинмасида курилма ва агрегатларнинг товушлари қайта янграб

## Обод - маҳалла йили

### ДАСТУР ДОИРАСИДА

Куйичирчиқ туман ҳокимлигидан Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» давлат дастурининг туманда бажарилиши, тиббий маданияти ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорига багишиланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролар йигинлари раислари, марказий шифохона бўлими раҳбарлари иштирок этди. Аҳолининг ижтимоий иқтисодий, маданий даражасини юксалтириш, корхона, ташкилотлар ва муассасалар ёрдами билан дастурда ишлаб чиқилган режалар бўйича маҳаллада ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, хуқуқий маънавияти ошириш масалалари кўриб чиқилди.

**Гўзал ИСМАТУЛЛАЕВА.**

### ГОЛИБЛАРГА ЭҲТИРОМ

Шартномавий режани вилоятда иккичи бўлиб бажарган Чиноз тумани пиллакорларини Тошкент вилоят хотин-қизлар кўмитасининг меҳр-мурувват гурӯҳи қизғин табриклиди. Марказий пиллаконада 200 дан ортиқ аёл пиллакорга «Наврӯз», «Софлом авлод», «Болалар», «Экосан» жамгармалари, Кизил Ярим ой жамияти вилоят бўлимларининг совфа-саломлари топширилди. «Гулзороб» ширкат хўжалигиганда Шафоат Сангинова, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигиганда Жуфарой Исмоилова каби илғорларга алоҳида хурмат-эҳтиром кўрсатилди.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА.**

қолди. Бу ерда турли ҳажмдаги тогоралар, кострюлкалар, чойнаклар ишлаб чиқарилмоқда. Келгисида маҳсулот тайёрлаш суръати янада ошади, тuri эса кўпайиб боради.

Комбинат бошқаруви зарур бўлган хомашё масаласини узил-кесил ҳал этди. Бу эса цехни узлуксиз узик вақт юкори унум билан ишлашини таъминлайди.

**Турсунали УСМОНОВ,  
жамоатчи мухбари.**

# МЕН НЕ ДЕЙМАН, ҚЎБИЗИМ НЕ ДЕЙДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

да хизмат кўрсатган санъат арбоби Э. Солиҳов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатсан маданият ходимлари Н. Норхўжаев, Ф. Шукурова, Ф. Олимов сингари таникли бастакорлар ва шоирлар ижро-чиларга ўзларининг қимматли маслаҳатларини, тавсияларини берганинклари айтиб ўтилган.

Энди бевосита мақолада билдирилган фикрларга келсақ, расмий жавобда Олмалиқ шаҳар маданият уйи охирги уч йилда учинчи бинога кўчгани, шунга қарамай бино ичи, томоша зали озода, саронжом-саришта эканлиги, «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танлови муносабати билан саҳнага янги пардалар осилгани, томошабинлар ҳам мақола муаллифи ёзганидек, умуман йўқ эмаслиги («видеотасма бунга гувоҳ» эмиш!) таъкидланган.

— Олмалиқдаги ҳашаматли маданият саройлари маданият ишлари бўлими балансида эмас, — деде алоҳида ургу берилади мактубда. — Бу биноларда тадбирни ўтказиш учун ижара пули талаб қилинади. Харажатлар рўйхатида ажратилган маблаг эса, қўрик-танловнинг вилоят босқичини ўтка-зишда, пойттахтдаги театр ёки кон-

**Таҳририятдан:** кўриниб турибдик, биз асосий мазмунини қисқа ва лўнда баён этган мазкур расмий жавобнинг аксарият қисмida тадбирни ёритган муаллифдан ва газетадан ўкингандек, гўё бу ишларда маданият бошқармасининг айби йўқ, газета уни нотўғри ёритган, деган гоя илтари суриласди. Жавоб мактубидан олдин таҳририята бўлган қўнғироқларда ҳам бошқарма ходимлари ана шундай фикрни илгари сурган эдилар. Албатта танқид ҳеч кимга ёқмайди. Буни тўғри тушунамиз. Қолаверса, вилоят маданият ишлари бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолиятини камситмоқчи ҳам эмасмиз... Лекин, бизни бошқа нарса кўпроқ ажаблантириди. Агар вилоят маданиятига мутасадди ва масъул бўлган бошқарма раҳбарлари мазкур мақолани бир карра эмас, икки карра чукуроқ ўқиб, таҳлил қилиб чиққанларида, муаллифнинг асл мақсадини, мақоланинг моҳиятини, ундаги фикр-мулоҳазаларнинг мағзини тушуниб етган бўлур эдилар.

Гап нима ҳақида бораяти ўзи? Мақолада мазкур тадбирни ўтка-зиш жараёнида, унга бир қадар юзаки ёндошилганлиги, унинг савиаси Тошкент вилоятидек ўз салоҳияти ва ўрнига эга бўлган худуд учун ярашмаслиги, унга мутасадди бўлган шаҳар, туман ҳокимларни ҳамда вилоят бошқармалари бундан бўён масаланинг шу жиҳатига эътиборни қаратишлари зарурлиги ҳақида холос фикр юритилган эди. Қолаверса, вилоят ҳокимининг жойларда «Ўзбекистон қўшиқ байрами»ни ўтказиш тўғрисида қабул қилган қарорида айнан уни энг юкори савияда, ташкилий жиҳатдан уюшқоплиқ билан ўтказиш юзасидан тегишили ҳокимлик ва идораларга аниқ тавсиялар ва вазифалар юклатилган. Шундай экан, нега Олмалиқда вилоят ҳокимининг қарорига мутасаддилар беписанд муносабатда бўлишиди?

Қолаверса, «Ўзбекистон қўшиқ байрами» каби олий мақсадни кўзлаган тадбирлар хоҳ шаҳар, туманда бўладими, хоҳ унинг худудий босқичи бўладими, вилоят ёки республика миқёсида бўладими, энг юкори савияда ўтиши ва ташкил этилиши керак деб, хисоблаймиз.

Биз вилоят ҳокимлигининг маданият ишлари бошқармаси, унинг шаҳар, туман бўлимлари ва ҳокимлардан фикрларимизни тўғри тушунишларини ва хуласа чиқаришларини сўраган бўлардик. Юз берган ҳолат учун ўзимизни оқлаш, қамчиликларни хас пўшлаш ўйлидан эмас, уларни тезроқ бартараф этиш ўйлидан борсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.



## Дала-ҳовлингиздан қандай фойдаланајпсиз?

Айни пишиқчилик пайти эди. Қўшиларимиз билан маҳалладошимиз Эргаш Невматуллаевнинг тўйига бордик. Дастурхон тўкин, мева-узумларнинг ноёб хиллари ли-кобчаларга чироили килиб жойлаб кўйилган. Ҳаммаси сархил. Ҳавасинизни келтириб, иштахангизни очади.

— Дала-ҳовлим жони-таним, — дейди Эргаш ака. — Биласиз, мен пенсиядаман. Лекин, тинч туролмайман. Юнусободлик уста-боғбон Қодир хожи Мўминовнинг пархеш усули билан тоғ шароитида узум етишириш усулларини шу ерда кўллајпман.

Дарҳақиқат, дала-ҳовлида етиширилаётган ноз-неъматлар ўз оиласининг эҳтиёжидан ташкарӣ, ён қўшилари, қариндош-уруғларининг

## ЭРГАШ АКАНИНГ БОГЛАРИ

— Бозорни шу бугун килибсизда, — дедик.

— Ҳеч тортимай, тановул килаверинглар, — дедилар кўлларини кўксиларига кўиб.

— Ҳаммаси ўзимизнинг дала-ҳовлимиздан.

Кўп ўтмай Эргаш ака Паркент тумани Ҳамдам канали бўйидаги дала-ҳовлиларига бизни таклиф қилдилар.

Кўпчилик бўлиб бордик. Инсон кўли гул, деб шуни айтадиларда. Фарзандлари, неваралари билан меҳнат килиб, бу ерда ажойиб бое яратибдилар. Дам олиш кунларини шу ерда ўтказишар экан.

Бое яратишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Эргаш ака каналдан насос орқали сув чиқарибдилар. Лекин, насос бузилиб қолса, экин ва дараҳтлар чанқаб қолиши, ҳосилини тўқиб юриши, не-не машаққат билан қилинган меҳнат зое кетиши ҳеч гап эмас. Эргаш ака бунинг ҳам чорасини кўриб кўибди. Дала-ҳовлининг энг баланд жойига катта ҳовуз курибдилар. Мабодо исиб кетсангиз, чўмилишингиз ҳам мумкин. Ҳавзанинг деворлари бетонлаштирилганлиги учун сув тиник, тоза. Ҳавзанинг ер барабар пастки қисми ён томонига жўмрак ўрнатилган. Керак бўлганда, ана шу жўмрак очилиб, экинлар сугорилади.



тўйлари, маъракалари учун ҳам ортади. Ўтган йилдан бошлаб миришкор озроқ майдонда гулхайри, гултожихўрз, наъматак сингари шифобахш ўсимликларни етиширишга ҳам-киришиди.

Шаҳар атрофида озмунча дала-ҳовлилар борми, лекин уларнинг кўпи қаровсиз, эгалари ташлаб кўйган. Биз орамизда Эргаш Невматуллаев сингари меҳнатсевар инсонлар кўп бўлишини истардик. Ана шунда тупроғи олтинга тенг ерларимизнинг умри бекор ўтмасди.

**Йўлдош МАНСУРОВ,**  
мехнат фахрийи.

## Луқма

## АВТОБУСМИ ЁКИ ЭШАКАРАВА

Улуғбек қўрғони ва Бўзбозор оралиғида қатновчи 101-йўналишидаги автобуснинг «эшакарава» каби имилаб ҳаракатланишига ҳайдовчи «айбдор». Эмишки, имиллаб юрмаса, «план» тўйласмиш.

Гоҳида 20-30 дақиқалаб автобус кутиб бекатда сарғайиб ўтиришга тўғри келади. Айрим вақтларда ким ўзарга ўйнашиб, бирданига иккитаси келиб қолади. «Тезорар» дея автобус пешонасига катта ҳарфлар ёпишириб кўйилган. Аслида эса, тошбака юришдан фарқ қилмайди.

Тўхташи керак бўлмаган бекатларда ҳам улар тўхтайвериб (кўп кўтарсангиз бас), йўловчилар норозилигига сабаб бўлади. Ҳақиқий тўхташи керак бўлганларини «танимай», ўтиб кетади. Бекатда тушадиган

йўловчи бўлса, «Бўтта ҳеч қанақа бекат йўқ» дея зардаси қайнайди шоғёр аканинг. Агарда ўша тушаётган йўловчи йўл чиптасини кўрсатгудек бўлса, чипта сотувчидан «ширин-ширин» сўзларни эшитиб олади.

«Иўл ҳақи 100 сўм» деб ёзиб кўйишни унутмаган ҳайдовчи ва чипта сотувчилар наҳотки ўз хизмат кўрсатиш савиялари юкори бўлиши зарурлигини унутган бўлишиша!?

Бу машмашалар камлик қиландек, автобус салонида тамаки чекиши ман этилиши тасвир-

ланган эслатма туради-ю, бу гўё фақат йўловчиларга тегишли дегандек, шоғёр акамиз сигаретани бурқситиб кетаверади. Тавба, ё «Тошхаъар йўловчи-транс»нинг шундай кўрсатмаси бормикан?

«Буюк ипак йўли» метросида йўловчиларни кутавериб «тўймаган» «101» ТТЗ бозорига борганда, қанча бўлса ҳам «бозорчи холаларни» сидира олиш «кудратига» эгадир. Шу сабаб бўлиб, автобуснинг ойнаси ҳам, эшиги ҳам бутун эмас.

Бугун йўловчининг ҳам ўз ҳуқуқи бор. Уни менсимасликка ёки поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, деб ўйлаймиз. 101-каби автобусларда тартиб ўрнатиладими, йўқми?

**Хуршида МЎМИНОВА.**

## Мерос

## ҲИММАТИНГИЗДАН МИННАТДОРМИЗ

«Олтин мерос» жамғармасининг вилоят бўлими, Паркент тумани ҳокимлиги, қатор тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари билан Заркент та зиёратгоҳини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада обод ва кўрқам зиёратгоҳ кайта тикланди. Ҳозирги кунда бу масканни янада ободонлаштириш, зиёратчилар учун яна ҳам қуай шароитларни яратиш давом эттирилмоқда. Саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар ва фидойи инсонлар бу ишларга муносиб хиссаларини кўшмоқдалар. Ҳайрли ҳаракатга ёрдам беришига аҳд қилган шундай олийхиммат инсонлардан ҳамиша миннатдормиз.

**Жасур РЎЗИЕВ,**

«Заркент ота» тарихий-меъморий мажмуасининг раҳбари.  
Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

«Заркент ота» тарихий-меъморий мажмуасига кўмак беришни истаганлар учун унинг ҳисоб рақамини маълум киламиш:

X/r: 20212000404145178001

Паркент ИАТ «Пахта-банк» МФО 00482 ИНН 203123864.



18.00 ТВ - анонс.  
18.05 Сийрат.  
18.25 Табобат оламида.  
18.45 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иклиз.  
19.00 Давр.  
19.35 «Давр» - интервью.  
19.50 ТВ-анонс.  
19.55 Кўхна оҳанглар.  
20.10 Ешлар овози.  
20.30 Хозирги замон ўзбек шеъриятидан.  
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.  
20.40 «Гвадалупе».

Телесериал.  
21.25 Бегойим.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.  
0.25-0.30 Хайрли тун.  
**«Тошкент» телеканали**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТУда сериал. «Мұхаббат риштаси».

17.55, 20.45, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Навниҳол».  
18.30, 20.00, 21.05, 22.45 «Пойтаҳт». Ахборот дастури.  
18.50 «ТТУда сериал. «Мафтункор аёл».  
19.35 «Бурч ва масъулията».  
19.50 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Нодир хазина».  
20.25 Табриклиймиз-

култаймиз».  
21.25 «Умр йўлдоши».  
22.15 «Ибрат».  
23.10 Кинонгоҳ. «Ўзганинг читтаси».  
00.45-00.50 Хайрли тун, шахрим.  
**«Халқаро» телеканал**  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Европьюс» янгиликлари.  
17.10 «Москва кўзёшларга ишонмай-

ди». Бадий фильм.  
20.00 «Время».  
20.30 «Бизнес ревю».  
20.35 «Ишибилармон кишилар».  
20.55 «Юқори технологиялар олами».  
21.05 «Дурдарашан».  
21.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
21.45 «Соккер клуб».  
22.05 «Арт-каталог».  
22.15 «Искандария кутубхонаси».  
Мўъжизалар олами.  
22.50 «Голибларнинг

гуллари». Бадий фильм.  
00.45 «Ахборот».  
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телемакор». 9.30, 14.10 Болалар соати.  
10.15 «Паэр Рейнжерс ёки кучли рийнжерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30 да спорт». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Емон йигитлар».

Фильм. 13.30 «У котилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Олий лига». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Бешинчи фаришта». Сериал. 21.05 «Клипсовға». Телетабрикона. 21.20 «Хайрли тун, кичкинйолар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Балистик». 23.15 Спорт дастури.

## JUMA

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон!».  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шархи.  
Езги таътил кунларида.  
«Болалар сайдераси».  
9.00 1. «Орзулар канотида».  
2. «Қизиқарли чиражувлар».  
10.00, 12.00, 14.00,  
18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Онтарио соҳилидаги воеа». Бадий фильм.  
11.35 «Гиёхвандлик аср вабоси».  
11.55, 13.55 ТВ анонс.  
12.05 «Шоҳ Султон ҳакида эртак». Мультифильм.  
12.55 «Спорт спорт, спорт».  
13.10 Мусикий танаффус.  
13.25 «Олам».

Телеальманах.  
14.10 Телемулоқот.  
14.50 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобака.  
15.40 ТВ клип.  
15.50 «Яхшилар ёди».  
16.10 «Камила». Телесериал.  
Езги таътил кунларида.  
«Болалар сайдераси»:  
16.40 1. «Болаликнинг мовий осмони».  
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобака.  
17.40 «Алномиш изидан». Видео-фильм. З-кисм.  
18.10 Репортаж.  
18.15 «Иктидор». Интеллектуал телевийн.  
18.50 «Тағасилот».  
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 «Оқшом эртак-

лари».  
20.15 «Соғинтирган садолар».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Муносабат».  
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.  
22.05 «Олтин бешик».  
22.25 «Келин-куёв». Телешоу.  
23.20 «Ахборот-дайжест».  
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканали**  
6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунавар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Давр»-интервью.  
9.30 Tonghi сериал: «Виждан» 8-кисм.  
10.15 ТВ - анонс.  
10.20 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Жажжи гўзал.  
11.10 Бегойим.  
11.30 «Гвадалупе». Телесериал.  
12.10 Ешлар овози.  
12.30 «Ақлдан оздира-

диган ўйинлар».  
Сериал.  
12.55 ТВ-анонс.  
13.00 Давр.  
13.10 Езги таътил экрани: «Самовий саргузаштлар» 4-кисм.  
13.35 Истиқол умидлари.  
13.50 Интерфутбол.  
15.30 Сийрат.  
15.50 «Ҳакиқат чегараси». Сериал.  
16.15 ТВ анонс.  
16.20 Жаҳон жуғрофияси.  
17.10 Кўрсатувлар дастури.  
17.15 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг, танишайлик, Мультфильм.  
18.05 Болалар спорти: ахвол қандай?.

18.25 Аскар мактублари.  
18.45 ТВ-Бинго анонси.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иклиз.  
19.00 Давр.  
19.35 «Давр» нигоҳи.  
19.55 ТВ - анонс.  
20.00 Кўхна оҳанглар.  
20.15 Қишлоқдаги

теноҳошим.  
20.35 21.20, 22.35 Эълонлар.  
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.  
21.25 Азизим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ – анонс.  
22.45 «Мехр кўзда». Паркентда.  
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг кироллари, 2.Футбол плюс.  
0.30-0.35 Хайрли тун.  
**«Тошкент» телеканали**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг, танишайлик, Мультфильм.  
17.20 ТТУда сериал: «Мұхаббат риштаси».  
17.55, 20.45, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.  
18.05 Болалар спорти: ахвол қандай?.

18.25 Аскар мактублари.  
18.45 «Биз вала болалар».  
22.50 Кинонгоҳ. «Бўйдоқ».  
00.20-00.25 Хайрли тун, шахрим.  
**«Халқаро» телеканал**  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Европьюс» янгиликлари.  
17.10 «Аралаш».  
17.35 «Кичик автомобилнинг катта кўнгилсизликлари». Бадий фильм.  
20.00 «Время».  
20.30 «Бизнес ревю».  
20.35 «Хинд оҳанглари».  
21.00 «Услуб».  
21.15 «Хит парад».  
21.35 «Яшаш воситаси».  
21.50 «Бешинчи гилдирак».  
22.00 «Тунги навбатчилик».  
22.15 Кулги хонаси.

## Shanba

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон».  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шархи.  
Езги таътил кунларида.  
«Болалар сайдераси»:  
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».  
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобака.  
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».  
10.20 «Олтин бешик».  
10.40 «Бу турфа олам».  
11.30 «Мусика бўстони». Телеальманах.  
11.50, 16.55 ТВ анонс.  
11.55 «Хаётдан, тўйган тун». Узбек Миллий академик драма театри спектакли. 1-кисм.  
12.50 «Дунёни болаларга берай-

лик». Мусикий дастур.  
13.15 «Хаётдан тўйган тун». Спектаклининг давоми. 2-кисм.  
14.05 «Чорраҳа».  
14.25 «Хазиналар ороли». Мультфильм.  
15.45 «Адабий жараён».  
16.05 «Ягона оиласда».  
16.35 «Кўйла, ёшлигим».  
17.00 «Рангин дунё».  
17.20 «Бир кулишайлик».  
17.35 «Умр мазмуни».  
17.50 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.  
18.25 «Қишлоқ ҳақида йилар».  
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўин.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 «Оқшом эртаклари».  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Санъатга бахшида умр».

ўзбекистон халқ артисти М. Турғунбонеба.  
21.30 «Гап чиқди». Телешоу.  
22.20 «Ахборот-дайжест».  
«Тунги ёфду»:  
22.40 «Замонлар оша-1». Бадий фильм.  
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканали**  
6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунавар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Давр» нигоҳи.  
9.35 ТВ - анонс.  
9.40 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг, танишайлик, Мультфильм.  
10.30 Табобат оламида.  
10.50 «Бунёдкор». Ешлар телеклуби.  
11.10 «Гвадалупе». Телесериал.  
11.50 Барча постлар диккатига.  
12.10 Ринг кироллари.  
13.00 ТВ - анонс.  
13.05 «Нихол» мукофоти соҳиблари

куйлади.  
13.20 «Экспедиция». Кўп кисмли ҳужжатли сериал.  
14.10 Қишлоқдаги теноҳошим.  
14.30 Оила тилсими.  
14.55 Езги таътил экрани: «Маринка, Янка ва қирол касрининг сири». Бадий фильм.  
16.05 Ҳуш келибисиз.  
16.30 Кўхна оҳанглар.  
16.35 Кўрсатувлар дастури.  
16.40 «Янги авлод» студияси: Бўш утирма, Ҳар соҳага саёҳат, Мультфильм.  
17.30 Бола тилидан. 18.00 Мозийдан келажакка.  
18.20 ТВ - анонс.  
18.25 Бизнес - академия.  
18.40 Каталог.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иклиз.  
19.00 Давр.  
19.35 «Давр»-репортаж.  
19.45 ТВ - анонс.  
19.50 Ватан ҳақида кўшиклар.  
20.00 Кутилмаган меҳмон.  
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.  
20.25 «Буни ишқ

дейдилар». Бадий фильм 1-кисм.  
21.15 Оханрабо.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс ва тунги ҳароналар.  
22.55 «Шамолларни, ҳиловлаб». Бадий фильм.  
0.20-0.25 Хайрли тун.  
**«Тошкент» телеканали**  
17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мульчархпайдак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.10, 20.10, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.  
18.30 «Афиша».  
18.50 «Эҳтиром ила».  
19.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Чотқол манзаралари».  
19.20 «Табриклиймиз-кулаймиз».  
20.00 «ТВ мадад».  
20.30 «Нима учун?».  
21.00 «Мисли гавҳар».  
21.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».  
21.55 «Ҳангома».  
22.30 Кинонгоҳ. «Амазония».  
23.20-23.55 Хайрли тун, шахрим.

лар олами» туркумидан.  
21.25 «Ахборот» (рус тилида).  
21.55 «Фаворолар». Телефильм.  
22.05 Нима? Каерда? Каочон?.  
23.15 Биринчи миллий мусикий мукофот.  
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телемакор». 9.30 «Денис-шумтака». Мультсериял.  
10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Майрий дастур». 12.00 Оилавий кино. «Миссдаҳо». 13.40 «Хужжатли сериал». 14.30 Хинд киноси. «Бомбей». 17.00 Телеўин.  
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Ола илоннинг қасоси». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совға». Телетабрикона. 21.05 «Қасос ўти». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшоми: «Карлита йўли». 24.00 Мусикий дастур.

## Yakshanda

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Узбекистон».  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.20 «Мусика ва театр».  
9.40 «Билмасвой рулда». Мультфильм.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиласман». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Бу турфа олам».  
12.10, 12.55 ТВ анонс.  
12.15 «Интеллектуал ринг». Телеўин.  
13.00 ТВ 1 кинотеатри: «Кочок». Бадий фильм. 1-кисм.  
14.05 «Истедод». 14.25 «Кочок». Бадий фильм. 2-кисм.  
15.30 «Гап чиқди». Телешоу.  
16.20 «Портретга

чизгилар».  
16.40 «Томас Эдисон ҳамда электр чириғи». Мультфильм премьера.  
17.05 ТВ клип.  
Езги таътил кунларида.  
«Болалар сайдераси»:  
17.10 1. «Санъат ғунчалари».  
2. «Олтин тоҳ». Телевизион үйин.  
18.10 «Тиниб-тинчи масоллар». Видео-фильм.  
18.40 «Сиҳат-саломатлик».  
19.00 ТВ клип.  
19.05 «Калб ғавҳари».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).  
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».  
20.30 «Тахлилнома». Кўп кисмли ҳужжатли сериал.  
14.25 Азизим.  
14.50 Узбекистон

Шу кунларда Андиконнинг бош спорт майдони – Олимпия захиралари коллежи, айниқса гавжум. Мусобақалар очилишига бу ерда минглаб андиконликлар ва анжуман меҳмонлари йигилган.

Ўйинларнинг очилиш маросими катта байрамни бошлаб берди.

Карнай-сурнай садолари остида яшил майдонга Коракал-поғистон, барча вилоятлар ва Тошкент шахри терма жамоалари - мамлакатимиз ёш спорт авлоди вакиллари кириб келади. Андикон ҳарбий қисмидаги хизмат қилаётган ёш аскарлар томошабинларнинг қарсаклари ва ҳайқириклари остида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи ва "Баркамол авлод-2003" ўйинлари байроғини олиб киради.

Тантанали маросимни Андикон вилюти ҳокими Қобилжон Обидов очиб берди.

Президент Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари иштирокчилари табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттириди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадхияси янграйди. Сўнг стадион узра мусобақа қатнашчилари ва ҳакамларнинг тантанали қасамёллари тарафади.

Тантананинг энг ҳаяжонли дамлари яқинлашади. Стадионнинг югуриш йўлакчасида машъала кўтарган ёшлар пайдо бўлади. Улар "Физика-Кўш" институтининг Паркент туманинг қўёш оловхонасида ёкилган оловни иштирокчилар, меҳмонлар ва томошабинларнинг

(Давоми. Боши 1-бетда).

# БАРКАМОЛЛИК САРИ ЙЎЛ

гулдорос қарсаклари остида бутун стадион бўйлаб олиб ўтади. Бошланаётган мусобақаларнинг катта машъаласини кураш бўйича республика чемпиони, Андикон олимпия захи-

раси коллежи ўкувчи Гулчехра Омонова ва бокс бўйича республика чемпиони, Асака академик лицейи ўкувчи Эслер Уломов ёқади.

Шундай килиб, Ўзбекистон

## МАРДЛАР МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Аввал хабар берганимиздек, 5 июнь қуни академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўкувчи ёшлари ўртасидаги анъанавий «Баркамол авлод-2003» спорт мусобақаларининг якуний босқичига старт берилди.

Таъкидлаш жоизки, «Умид ниҳоллари» сингари «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ҳам болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спорта кенг жалб этиш, келажакда Ўзбекистон терма жамоаси таркибини ана шу ёшлар хисобига тўлдириб бориш, улар орқали жаҳон спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун катта замин яратади.

«Баркамол авлод-2003» спорт мусобақалари машъаласининг вилятимиздан Андиконга йўл олганлиги бизда алоҳа фарҳ ўйғоради. Машъала ёкиш маросимидан сўнг вилятимизнинг 170 нафар вакили Андиконга жўнаб кетди. Улар «Баркамол авлод-2001» финал босқичида эгалланган 3-ўринни кўлдан бермаслик учун спортинг 14 тури бўйича қизғин баҳе олиб бормоқдалар.

Кече Андикондан дастлабки хабарларни олдик.

Вакилларимиз илк учрашувларданоқ яхши натижаларга эриша бошлиди. Баскетбол бўйича қизлар ўртасида кечган беллашуда вакилларимиз Сирдарё вилояти терма жамоасини 44:21 хисобда енгилар. Ўғил болалар эса андиконликларга 40:78 хисобда ютқазиб кўшиди. Волейбол бўйича ўғил болалар ўртасида ўтқазилган баҳсада вакилларимиз пойттах ёшларини 3:0 хисобда мағлуб этишиди. Кўл тўпи мусобақалари вакилларимиз учун омадсиз бўлди. Ўғил болалар самарқандликлардан, кизларимиз эса бухороликлардан мағлубиятга учрадилар.

«Умид ниҳоллари-2003» финал босқичига мезбонлик килган Хоразм вилюти футбольчилари вакилларимизнинг шиддатли хужумларига дош беролмай, 0:3 хисобда енгилишиди. Шоҳмотчиларимиз эса сирдарёлик тенгдошларидан 3:1 хисобда устун келдилар.

«Баркамол авлод-2003» мусобақалари кизғин давом этмоқда.

Хуршида НАЗАРОВА,  
«Тошкент ҳақиқати» мухбери.

Оксарой қароргоҳида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашишини жамғарма фаолиятига баҳо бериш, эришилган натижалар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ҳар томонлама ва чукур таҳлил этиб, тегиши хуносалар чиқаришга бағишилаб ўтказилган навбатдаги мажлисида таъкидланганидек, айрим шахар ва туманлардаги мазкур масалага тааллуқли ишларнинг ахволи қониқарсиз. Демак, биринчидан ҳоким ва бошқа мутасадди раҳбарлар мамлакатда болалар спортини ривожлантиришдан кўзланган мақсадни аввало ўзлари яхши тушуниб олишлари зарур. Жамғарманинг асосий вазифаси ёшлар ўртасида соглум турмуш тарзини шакллантириш, навқирон авлодни турли салбий таъсиirlарга берилишдан саклаш, болалар спортини умумхалк ҳаракатига айлантириб, унинг амалда оммавий бўлишини таъминлашдан иборатdir. Ана шунда болалар соғлом, ҳар томонлама баркамол, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларидан чўчумайдиган, мустаҳкам иродали бўлиб улгайдилар.

Бунинг учун жойларда мавжуд спорт иншоотларни талаб ва эҳтиёжга қараб, тубдан таъмилашни тезлаштириш, энг муҳими болалар ўртасида спортинг оммавий турлари бўйича мусобақаларни мунтазам йўлга кўйиш, керак бўлса, уни анъанага айлантириб, давр талаблари даражасида, юксак савияда ўтказилишини таъминлаш зарур. Лекин, афсуски, Олмалик шахри, Бекобод, Бўка ва яна қатор туманларда бу борада олиб бораётган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Мавжуд ўйнгоҳ, спорт заллари ва бошқа иншоотларни таъмилашни суст. Болалар спорт мусобақаларни уюштириш эса мазкур шахар ва туманлардаги ҳоким ва мутасадди раҳбарларнинг хаёлларига ҳам келмаяти.

Аслида бунинг сабаби маълум. «Ҳаммамиз тушунамиз, — деди Президентимиз Оксаройдаги йигилишда, — ҳокимларнинг зиммасидаги масъулият катта, уларга ишониб топширилган вазифалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Абдулсамад Йўлдошев,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус  
мухбери.

йигит-қизларининг иккинчи бор ўтказилаётган "Баркамол авлод - 2003" спорт ўйинлари бошланди. Энди бир ҳафта давомида Андикон мамлакатимизга кўплаб истеъодли спортилар номларини кашф этади.

"Баркамол авлод - 2003" ўйинларининг тантанали очилиш маросимидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Баш вазири ўринбосари Х.Кароматов иштирок этди.

Илҳом РАЗЗОКОВ,  
Расулжон КАМОЛОВ.  
ЎзА мухбира.

## Футбол

### «Дўстлик» ХИСОБНИ ОЧДИ ВА МАГЛУБ БУЛДИ

Ўзбекистон чемпионати олий табакасида наъбатдаги 11-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Дарвозаларга жами 29 та туп киритилди.

«Дўстлик» Ангренда чемпионат пешкадамларидан бири «Қизилкўм» билан баҳс юритди. Ўйиннинг биринчи ярмида дарвозалар дахлсизлиги сакланб қолди. Таанафусдан сўнг майдон эгалари хўжумни бўшаштирилди. 62-дақиқада Александар Писарев жамоасини олдинга олиб чиқди.

Лекин, бу хисоб узоқ сакланмади. 67-дақиқада «Дўстлик» дарвозабони кўпол ҳатога йўл қўйиб, «автогол» муаллифи бўлди ва хисоб тенглашди. Шундай сўнг меҳмонлар хўжумга зўр бердилар ва учрашувнинг сўнгги 90-дақиқасида ғалаба тўпини киритишга муваффақ бўлдилар.

Вилойтимизнинг олий табакадаги иккинчи вакили «Металлург» Тошкентда «Пахтакор» билан беллашди. Ҳар бир бўлумда иккитадан жавобсиз тўп киритишга эришган пахтакорчилар йирик хисобда голиб чиқдилар ва чемпионатда 31 очко тўлпаб, карвоношибилик қиммоқдалар.

Турнинг қолган учрашувларида кўйидаги натижалар кайд этилди: «Бухоро» — «Нефть» — 1:4; «Қўён 1912» — «Трактор» — 3:4; «Цементчи» — «Гулистон» — 0:1; «Насаф» — «Навбаҳор» — 3:2, «Сурхон» — «Машъал» — 1:1; «Андижон» — «Самарқанд-Д» — 2:0.

Талъат ЮСУПОВ.

## Анжуман

Кейинги ўйларда касаба уюшмаларининг қуий спорт жамоаларида оммавий спорт ўшлари сезиларди жонланди. Корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда жисмоний тарбия ва спортни юксатиришга ётибор кучайтирилгандиги бу жараённи чин маънода оммавий тус олдирмоқда.

## МАҚСАД — ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

Тошкент туманинг «Ҳасанбой», «Тўлабий» ва «Тошкент», Кибрай туманинг «Дўрмон» ва «Қизил шалола», Бўстонлик туманинг «Абай», Паркент туманинг «Бойқозон», «Заркент» ва «Гулбоғ», Ўтариҷирик туманинг «Ўзбекистон» ширкати хўжаликлиари, «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятилари, «Аммофос» ишлаб чиқариши бирлашмаси, «Бекобод цемент» хиссадорлик жамияти касаба кўмиталари вилоят спортини юкорида даражага кўтариш борасида ташаббускорлик билан иш олиб бораёттилар.

Оммавий спортни юксатиришда касаба уюшмалари эришадиган натижалар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти конференциясида қизғин мұхқомана қилинди. Хисобот даври Олмалиқдаги «Металлург», Тошкент давлат аграр университетининг «Талаба», Чирчиқдаги «Кимёгар» спорт клублари учун, айниқса, самарали бўлди. Ёлғиз «Талаба» спорт клубининг ўзи икки Осиё чемпиони, сузиш бўйича халқаро мусобақа галибларини ётишириб чиқарди. Бугунги кунда йигирмадан ортиқ талаба мамлакатимиз терма жамоалари таркибида Ватанимиз шарафидан мунозиси ҳимоя қиммоқда. Вилоятимиз жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари галиби, халқаро тоифадаги спорт устаси Дилшод Мансуров,

Жаҳон универсиадаси чемпиони дзюдочи Акбар Эгамназаров, Осиё биринчилиги галиби тош кўтарувчи Константин Хардин, Осиё чемпиони тош кўтарувчи Вячеслав Тен, жаҳон биринчиликлари совриндори таэквондо Инна Хегай сингари фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Фақат ўтган йилнинг ўзида касаба уюшмалари спорт жамияти З нафар спорт устаси, 45 нафар спорту усталигида номзод, 40 нафар биринчи тоифали,

700 нафарга яқин оммавий тоифали спортчиларни тарбиялаб ётишириди.

Анжуман иштирокчилари спорт иншоотлари кўлайиб бораётгандагини алоҳида таъкидлашди. Хисобот даврида стадионлар 29 тадан 34 тага, сузиш ҳавзлари 8 тадан 12 тага кўпайгандаги мамнуният билан кайд этилди.

Лекин, конференцияда спортинг оммавийлиги, маҳоратни ошириб борашиб ўтлаётган нуқсонлар ҳам кескин танқид қилинди. Айниқса, кишлокларда спорт иншоотлари ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Қишлоқларни спорту заллари иситилмайди. Ювениш-кайиниш хоналари мукаммал жиҳозланмаган.

Хисобот даврида, айтайлик, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари фолиятига етакчилик қиуловчи ходимлар Янгиёйл туманида тўрт, Пскент, Тошкент, Оққўргон ва Зангиота туманида уч маротабадан ўзгарди. Уларнинг кўнимисизлиги Юкоричирчик, Бекобод, Бўстонлик туманлари, Ангрен ва Олмалик шахарларида ҳам юкори давражада сакланб қолмоқда. Соғломлаштириш-спорт клублари фолиятини қайтадан жонлантириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Конференция мавжуд камчиликларни бартарап этишига қаратилган қарор қабул қилиб, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашини янги таркибда сайлади.

Жўрабек МУРОДОВ.



## «САККИЗЛИК»ДА КҮРИБ ЧИҚИЛДИ

Хафта бошида Франциянинг Эвиан шаҳрида «Катта саккизлик» ўюшмасига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг кенгаши бўлиб ўтди. АҚШ, Буюк Британия, Россия, Германия, Канада, Италия, Франция ва Япония раҳбарларидан ташкири учрашувда Еврокомиссия раиси Романо Проди ҳамда айни пайтда Европа Итифоқида раислик қилаётган Грециянинг бош вазири Константинос Симитислар иштирок этдилар. Саммитда жаҳон ва умумбашарий аҳамиятга эга бўлган долзарб сиёсий, иқтиносий, ижтимоий ва маърифий масалалар кўриб чиқилди. Учрашув Женева кўли соҳилидаги Royal меҳмонхонасида бўлиб ўтди, деб хабар берди «Газета-Ру» рўзномаси.

## АКАБАДА ЯНГИЧА МУҲИТ

Бундан бир қанча мuddат илгари Мисрнинг Шарм аш-Шайх минтақасида бўлган учрашувда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммоларига ижобий муносабат билдирилган эди. Куни кеча эса, бундай жараён давом эттирилди, дейиш мумкин. Иорданиянинг Акаба шаҳрида АҚШ президенти Жорх Буш, Ироил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин бош вазири Махмуд Аббослар ўртасида учрашув бўлди. АҚШ, Миср, Иордания, Бахрайн раҳбарлари, Саудия Арабистони валиаҳди яратилган муҳитдан ва муҳокама этилаётган масалалар мояхиятидан мамнун эканликларини яшимрадилар. Зотан, Фаластин ерларида Ироил манзилгоҳлари куришини тұтқатиш, террорчи гурухларни моддий манбалардан маҳрум этиш, Ироил ва Фаластин мухторияти ўртасидаги қатнов йұналишларини очиш, ҳибсоналардаги асиirlарни озод қилиш, истиқболда мустақил Фаластин давлатини вужудга келтириш, «Йўл харитаси» деб аталган Яқин Шарқ тақдирiga тегишли шартномани амалга ошириш ўта муҳим муаммолар эди.

## МАЪЛУМОТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Бир неча кун мұқаддам Саудия Арабистонининг пойтахтиниң қатор портлашлар ларзага көлтирганligидан хабарингиз бор. Портлагичлар билан тўлдирилган автомашиналар Эр-Риёднинг шарқида хорижий сармоядорлар ва мутахассислар истиқомат қиласидан «Гарната» мажмуаси ҳудудида портлатилган эди. Яна бир портлаш эса, Саудия Арабистони ва АҚШнинг «Сиянко» компанияси бош қарорғоҳи ёнида рўй берганди.

Натижада, тахминин маълумотларга қарағанда, 10 нафар америкалик курбон бўлган эди. 50 киши жароҳатланди. Азиат чекканлар орасида америкалик, английлик, япониялик фуқаролар бор эди.

АҚШ ва Саудия Арабистони маъмурлари бу хуружлар «Ал-Қоида» террорчилари томонидан амалга оширилган, деб хисоблагандилар. АҚШ контрразведкаси маҳкамаси вакили фожиа жараённи ана шундай хулоса чиқаришга асос бўлмоқда деган эди. Куни кечи 19 кишилик гурухнинг аъзолари бўлган тўрт нафар кимса ҳибсга олинди. Дастрлабки терговлар уларнинг «Ал-Қоида» террорчиларидан эканлигини тасдиқламоқда.


## ТУГМАЧА ДОРИГА ИШОНИБ

Тайланднинг Бангкок шаҳрида истиқомат қилувчи Мишель Тамако исмли кимса ҳозирги замон табобатининг кучига, ичишга мўлжалланган тугмача дорилар, куқун пуркагичлар, наботот дамламалари мўъжизасига қаттиқ ишонар эди. Сал-пал тоби қочиб қолса, кўп миқдорда таблеткалар қабул қиласи эди. Унинг дўстли ҳисоблашига қарандан, М. Тамако сўнги уч йилда 569 970 та тугмача дори ютган экан. Бу рақам кунига 70 таданга тўғри келади. Агар улар бир-бирига улаб қўйилса, 3,4 километрни ташкил қиласи экан. Аммо, Мишель бу суръатни эплай олмади. Натижада у жигар буришиши — цирроз касаллигига мубтадо бўлди, деб ёзди Хитойда чиқадиган «Чайна пипл» рўзномаси.



## ОМАДИ БОР ЭКАН

Бугенвил ороли фуқароси (Соломон ороллари) Хесус Тумба қармок билан соҳилда хотиржам балиқ тутаётган эди. Дафъатан унга баҳйат ва даҳшатли саккизоёқ ҳужум килиб қолди. Бахтини қарангки, якин ўртада ўтирган унинг синглиси Адол вазиятни кўриб, дарҳол қишлоққа югурди. Хесуснинг кўшини Хуан майдада питралар билан тўлдирилган ов мильтигини олиб, соҳилга чопди. Кела заҳоти саккизоёқнинг бошини нишонга олди. Махлук Хесусни қўйиб юборди ва сувга шунғиб, гойиб бўлди, деб хабар берди Америкада чиқадиган «Авур-Нейви» журнали.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## Шарҳловчи минбари

### ХИНДИСТОН:

## МУССОН ЁМҒИРЛАРИ КЕЧИКЯПТИ

*Бу ўйл дунёнинг айрим ҳудудларида ёз иссиғи одатдагидан ҳам юкори келди. Айникса, Жанубий Осиёнинг Хиндистон, Бангладеш ва Покистон каби мамлакатларидан саратон жазирамаси одамларни шошириб кўймокда.*

Биргина Хиндистонда офтоб уриши натижасида шу кунгача 1200 нафар киши қурбон бўлди. Ҳалок бўлганларнинг аксари мамлакатнинг жануби-шарқидаги Андрхра-Прадеш вилояти фуқаролари. Бу ерда ҳарорат нақ 52 даражани кўрсатяпти. Ҳукумат ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига 10 минг рупий (210 АҚШ доллари) микдорида товон пули тўлашини маълум килди.

Жазирамадан устига-устак ичимлик суви танқислиги туфайли мамлакатнинг Тамилнад, Орисса, Жарканд, Мадхя-Прадеш, Харяна ва Ражхастхан каби штатларидаги аҳвол тобора оғирлашиб бормоқда. Шунингдек, иссиқ ҳаво оқими ҳудудида жойлашган мамлакат пойттахтида ҳам ҳарорат 44,2 даражага етди. Бу ўртача ийллик нормадан 4 даража юкори ҳисобланади.

Об-ҳавони кузатиш бошқармаси берган маълумотга кўра, яқин орада аҳволнинг ўзгариши даргумон. Қолаверса, ҳар йили

хиндистонликлар интиқиб кутадиган май ойининг охирларида бошланувчи ёмғир мавсуми ҳам кечикяпти.

Жазирамадан азиат чекаётгандар факат Хиндистонда эмас. Хиндистонга девор-дармиён кўшини бўлган Бангладеш ҳалқи учун ҳам ёз мавсуми кулфатга айланди. У ерда ҳам ахвол Хиндистондагидан сира қолишмайди. Ўтган бир ҳафтининг ўзида 30 га яқин одам жазираманинг қурбонига айланган. Бир неча кундирки, ҳарорат 39 даражадан пастга тушмаяпти. Нисбий намликтининг 100 фоизлиги эса вазиятни баттар мураккаблаштиримоқда. Исикидан асосан, кексалар ва кунбўйи офтоб тифида меҳнат қиласидаган дехқонлар жабр кўрмоқда.

Шундок ҳам жазирамадан табиий оғатга айланган бу ҳудудларда яна бир муммо пайдо бўлди. Маҳаллий ҳалқ ичимлик сувига кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Кўп ҳолларда аҳоли истеъмолга ярамайдиган сув ҳавзалаridan fойдаланишга мажбур бўлаётир. Бу эса ўз навбатида ошқозон-ичак ва бошқа юкумли касалликларни келтириб чиқармоқда. Хозир касалхоналар бундай беморлар билан тўлиб кетган.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, ҳарорат яқин кунларда пастламайди. Аксига олиб ҳар ийли айнан июннинг биринчи кунида бошланадиган муссон ёмғирлари ҳам бу йил кечикяпти.

**Мунира  
ИСОМИДДИНОВА,  
(ЎЗА).**

## ШИМ ПАНД БЕРДИ

Инсоннинг кийган ҳар бир кийими мустахкам бўлиши керак. Акс ҳолда панд еб қолиши мумкин. Масалан, Хитой шаҳарларидан бирорда шундай ҳодиса рўй берди. Катта миқдордаги шартномага имзо чекиши учун келган вакили аҳдлашувчи томоннинг вакилиаси билан учрашётганда нохуш ҳолат юз берди. Кўл узатган Линингши-мидаги камари ечилиб кетди. Кўзини олиб қочди. Ли узр сўраган бўлсада, аҳвол чигаллашган эди. Музокаралар энди бошланганда юкоридаги «бөодоблик» яна тақорланди. Шу тарика 130 минг доллар миқдордаги тузиладиган шартнома чиппакка чиқди. Ли энди нима қиласини билмай, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган корхона ва уни сотган дўконни судга берди ва 25 минг доллар миқдорида маънавий зарарни ундиришга киришиди.



**Турфа олам**

**Танлов  
МАҚОМЧИЛАР  
БУХОРОГА  
БОРИШАДИ**

Яңгийүл шаҳридаги «Навоий гулшани» маданият ва истироҳат боғида мақом жамоалари ва катта ашула ижрочиликарининг вилоят кўринган танлови бўлиб ўтди.

Завқли ва мумтоз ашулалар ижро этилган ушбу кўрик-танловда Бекобод тумани маданият уйи қошидаги «Зафар тароналари» мақом халқ дастасига олий, Бўка туманидаги «Дуго» дастасига биринчи, Зангиота туманининг «Хосил» дастасига иккичи ўрин наисбет этди.


Катта ашула ижроси йўналиши бўйича қибрайлик Қаҳрамон Бобоқулов биринчи ўринга кўтарилиди. Шунингдек, танловнинг яккахон хонандалар ўртасидаги баҳсада «Шош наволари» дастасининг хонандаси Валижон Абдуллаев олий, бекободлик Мухаррам Самадова биринчи, Яңгийўл шаҳар вакили Ахмаджон Хурсандов иккинчи, бекободлик Юнус Мирбобеев эса учинчи ўринлар соҳиби бўлишиди.

Мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи июль ойида Бухорода бўлади.

**Аҳмаджон РИҲСИБОЕВ.**

**Bolalik bogi**

**GUGURT**



Etmish beshta co'p bo'lib,  
Bir qutida to'p bo'lib,  
Xizmat uchun yugurdik,  
Gugurtmiz, gugurtmiz.

Buvilar yoqsa mayli,  
Buvaiar chaqsa mayli.  
Ammo, siz-chi, bolalar,  
Yoqmangiz, yoqmangiz!

Ukangizdan ham bizni,  
Saqlangiz, saqlangiz!  
*Yusuf SHOMANSUR.*

**Халқ табобати**

**БАЛХ ТҮТ**


Ўрта Осиёй халқ табобатида тут мевалари конни тозалайдиган неъмат бўлиб ҳисобланади. Унинг меваларидан меъда-ичакларнинг ишини яхшилаш учун, шунингдек, гепатит, холецистит, камконлик касалликларида, гипертония, қабзият маҳалларида фойдаланилади. Куритилган пўстлонгининг кукунини кунжут мойига қоришириб, яларга кўйилади. Янги баргларидан малҳам тайёрлаб бадандаги ҳароҳатлар, кўтиргавосида ишлатилади.

Ин Сино тут барглари ва мевалари яллиғланиши тўхтатидиган, пешоб ҳайдайдиган, йўтални камайтирадиган, шунингдек, сурги воситаси сифатида ишлатган.

Миокардиодистрофия билан оғриган кишиларга 3-4 ҳафта давомида ҳар куни яхши пишган тут меваларидан 200-300 грамм микдорида бериб турилса, даволашда дуруст натижага эришилиши аниқланган. Ундан тайёрланган шинни жуда сершира ва тўйимлидир. Фармацевтика саноатида уни қуқлаштириб, хандори тайёрлашда ёпишириувчи модда тарикасида ишлатиш тавсия этилган.

Хитой халқ табобатида тут илдизларидан тайёрланган қайнатма гипертония, бронхиал астма ва бронхити даволашда ишлатилади, тана-сининг пўстлоги балғам кўчирадиган восита сифатида, баргларини дамламаси эса шамоллаш маҳалида исискини туширадиган дори сифатида ичирилади.

Японияда тут гулидан теридаги хуснбузарлар, сепкиллар ва доғларни йўқотиш учун ишлатиладиган упа тайёрланади. Тут мевалари раҳит, дифтерия, скарлатина ва иситмада даво бўладиган, чанқоқни қондиралини тут ишлатиш тавсия этилган.



**Рассом хандаси**



А. ҲАҚИМОВ чизган расм.

Уралнган кунгли...

**ТОШКЕНТ ҲАҶИЧАТИ  
ТАШИСИНГИДА ПРАВДА**

**Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУХИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-80.

**Манзилинизи:**  
700000, Тошкент  
шахри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

**Ўзбекистон Республикаси давлат  
матбуот кўмитасида 8 раками  
билин рўйхатта олинган.**  
Газета «Тошкент ҳаҷиҷати»  
таҳририяти компьютер  
марказида торилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда далил-  
ларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.

# ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

Инсонга тил ато этилгандан бўён дилнинг таржимони бўлиб келади. Бироқ, шу таржимон ҳар доим ҳам холис бўла олармикин?

\*\*\*

Инсон кўнгли табиатан шундай яралганки, эгаллаб турган мавқеи, тушиб қолган ҳолатига қараб, ўёки бу томонга мойил бўлиб туради. Кўнгил мойиллигига қарши бўлса ҳам, кўриб-билиб турган ҳақиқатни тан олишига, бағрикенглик билан эзгулик қилишига инсон ўзида куч-

ирида топа олсанни, ҳақиқий қалб гўзаллиги намоён бўлади.

\*\*\*

Очкўзлик, разиллик ва адолатсизликнинг мужассамлашган бир тури — порадир.

Муҳаббат ўзи бор нарсами ёки йўқми? Бор бўлса ҳам вакътинчалик этирослар маҳсулидир, балки. Орзуга эришилгач,

\*\*\*

Тарозу-тарозу бўлгунча деган ибора кўп маънони билдиради. Паллалар тенг келсагина, томонлар ҳам шунга рози бўлади. Жамиятнинг Адолат тарозуси чеч қаҷон шикаст топмасин, эгри кўллар домига тушеб қолмасин.

**Комил НАЗАРОВ**  
тўплаган.

## Биласизми?

Британиялик олим К. Уорвик якун орада ўз вужудига бир неча микросхемаларни ўрнатмокчи. Бу курилмалар олимга ультратовушни, инфракизил нурни, рентген нурлари ва радиотўлқинларни қабул килиш имкониятини бераркан. Бу имкониятлар олимни көрнугуда, ҳатто девор опроти ҳам кўрадиган, бошқалар илғамидиган товушларни эшитадиган қилармиш. «Кейинчалик мен мияни компьютер билан тўғридан тўғри болграб қўймоқчиман, — дейди олим. — Бу менга кўз очиб-юмгунча миллиардлаб сонларни кўшиб-айриш, бўлиш ва хоказолар имконини беради. Китоб титишга эхтиёж қолмайди, чунки мия «Интернет» билан боғлангач, керакли маълумотни хотирлайвериши мумкин.

**К. ЭГАМБЕРДИЕВА**  
тайёрлади.

## ЭНГ БАЛАНД БЎЙЛИ ИНСОНЛАР

• АҚШда буғунги кунда 1962 йил Суданда туғилган Манут Бол энг баланд бўйли инсон ҳисобланади. Унинг бўйи 2,32 метр. У «Филадельфия-76» баскетбол гурухида малакалий үйинчидир.

• Тарихда баланд бўйли аёллардан хитойлик Цзен Цзинъянг ҳисобланган. 1982 йилда вафот этган Цзен Цзинъянгнинг бўйи 2,48 метрни ташкил этган. Бу вақтда унинг умуртка сукляри жуда ҳам бўклилган эди.

• Аёл эгизаклар АҚШнинг Палос-Вердес (Калифорния)даги Хизер ва Хейди Бург — 1971 йилда туғилганлар. Уларнинг бўйи 1,95 метрни ташкил этган.

**Тўпловчи  
Жаҳонгир ДОЛИЕВ.**

Чиноз туманидаги Фафур Фулом номли 40-ўрта мактаб томонидан 1993-94 ўкув ийидада Маҳмуда Ҳикматовна Назарова номига берилган АО 440077 рақами аттестат йўқолганилиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент шаҳар, Собир Рахимов туманидаги 224-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Акромов Баҳтиёрович номига берилган А 415285 рақами аттестат йўқолганилиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.